



КИШЛОҚ ЖАЁТИ

**ОЛИЙ МАЖЛИС
СЕССИЯСИ:
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР**

Биринчи чакirik Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги Президентимиз Ислон Каримовнинг маърузасида мустақил мамлакатимизнинг XXI аср бўсағасидаги устувор йўналишлари атрафлича тахлил этилиб, улугвор вазибалар белгилаб берилди. Деҳқонлар, чорвадорлар, мутахассислар, агроаноат мажмуининг барча ходимлари, маориф, маданият намояндалари йўлбошчимизнинг маърузаларини атрафлича ўқиб-ўрганмоқдалар, ўзлари учун ҳаракат дастури сифатида қабул қилмоқдалар.

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 20 АПРЕЛЬ, сешанба, № 26 (5.982). Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислон Каримов 19 апрель куни Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби Франческо Франкиаллини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан кутлар экан, Ўзбекистонда мазкур ташкилотнинг дунё халқлари маданияти, тарихи, миллий мероси ва маданий бойликларини асраб-авайлаш, бир-бири билан таништириш борасидаги аҳамияти юксак қадрларини таъкидлади.

— Одатда сайёҳликка бизнес сифатида қаралади, — деди Ислон Каримов учрашувда. — Лекин мазкур соҳа бу билан чекланиб қолмайди. У кишиларни маънавий бойтади. Зеро, ҳозирги дунёни, ҳаётни сайёҳликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Барча ҳуфри инсонлар узга халқларнинг тарихи, маданияти, турмуш тарзи ва бошқа бойликлар билан танишишга интилади.

Ф. Франкиалли Ўзбекистон билан ўзи раҳбар-

лик қилаётган ташкилот уртасидаги ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этиб, мамлакатимиз ҳукуматининг халқаро миқосда сайёҳликни ривожлантириш борасидаги сайёҳлик ҳаракатларига юқори баҳо берди.

Ўзбекистон ушбу ташкилотта 1993 йили аъзо бўлган. Шундан буён узаро алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. 1994 йили Тошкентда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ҳамда ЮНЕСКО ҳамкорлигида «Буюк ипак йўлида сайёҳлик тараққиёти» мавзусида халқаро семинар уюштирилди. 1995 йили эса биринчи бор «Буюк ипак йўли буйлаб сайёҳлик» йиллик халқаро ярмаркаси ўтказилди. Унда қирққа яқин мамлакатдан юздан ортиқ фирма ва компания иштирок этди. Утган йилги айти номдаги ярмаркада иштирокчи фирма ва компаниялар сони 170 дан ошди. 1997 йилда Ўзбекистон ташкилот ижроия кўмитасининг аъзоси бўлди. Турли давлатларда бўлиб ўтган семинарларда мамлакатимиз «Буюк ипак йўли» сайёҳлик йўналиши буйича халқаро

лойиҳанинг жүрофий ва мувофиқлаштирувчи маркаси сифатида эътироф этилди. 19 апрель куни эса Тошкентда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Европа буйича комиссиясининг 34-мажлиси бўлиб ўтди.

Қабул маросимида Ф. Франкиалли Буюк ипак йўлини қайта тиклаш ташаббусини илгари сургани, бу қадимий йўл буйлаб сайёҳлик йўналишини ташкил этиш буйича халқаро лойиҳа ишлаб чиқиш, амалга ошириш ҳамда ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун Президент Ислон Каримовга Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг олий мукофотини топширди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Рискиев, Бош вазир уринбосари Х. Каримов, «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Б. Хусанбоев иштирок этди.

Учрашувда Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Европа буйича комиссиясининг раиси П. Келлер ҳозир бўлди.

(ЎЗА).

Эгнига тўн, бошига дўппи кийган, қўли қадоқ, меҳнаткаш кишилар билан, фариштали отахонлар билан учраганимда, уларнинг юз-кўзида, чеҳрасида ўтган кунидан розилик, ҳаётдан хурсандлик аломатларини кўрсам, бошим кўкка етгудай бўлади.

Ислон КАРИМОВ.



МЕНИНГ ДЕҲҚОН БОБОМ...

Бугун Сенга бўлган ҳурматимиз, эъзозу эътироғимиз баён айламоққа жазм этдим. Бу ниятнинг урдадасидан қай даража чиқа оламан — билмадим. Чунки Сендаги фазилат шу қадар улукки, уни батафсил ифода этмоққа оғирман. Биз — ҳаммамиз, зийли курувчи, муҳандис учувчи, олиму ўқитувчи — қўйинг, бари-баримиз Сенинг олдинда қарздормиз. Сени валинеъматимиз деб атасам ажабланма, чунки тиркичилигимиз, бору йўқлигимиз, кайфиятимиз, юриш-туришимиз, рўзгоримизнинг кўп томони Сен тўғрисида, Сенинг ҳалол ва мўътабар меҳнатинг тўғрисида. Сен дунёдаги энг содда, самимий инсонсан, Сенда на кибр бор, на манманлик.

Қасбнинг энг яхши кишининг уз қўли билан бажариладиган ишдир, деганлар. Момо ер дея меҳрин берган, унинг қўсини уз кўнгли қаби майин этиб, силаб-сийпалаган Сенинг қўлларинг. Ерни тўйдирган, унинг хол-аҳволидан туну кун хабардор бўлиб турадиган инсон ҳам Сенсан. Чехранг ҳамиша кўнглинг қаби очкидор. Ҳар ишни бисмиллоҳ деб бошлагансан, Яратгандан баракасини бер, деб илтижо айлагансан. Муруввати чексиз инсонсан, менинг Деҳқон бобом сендаги сабр-бардошга, қалбинг кенглигига хайратдамиз. Қаранг, не машаққат билан экилган чигит ёки бошқа бир экин энди тўпроқни ёриб бўйи курсатганида кутилмаганда кучли жала ёғди, дул уради. Не куз билан қурднинг, бутун қилган меҳнатларинг зое кетган. Уксинмайсан, аччиқ қилмайсан, жаҳолатга берилма, қул силтаб кетмайсан. Ҳа, энди шу ҳам тақдирдан бер экан-да, майли, улим бўлмасин, қолган бало-қазоларнинг йўли бор, уларни тўзатса бўлади, деб гайрат билан уша ишларни, сувга оқиб кетган меҳнат натижаларини яна тиклаш мақсадида қайта энг шимарасан. Эй Худо, узинг

мадад бер, дея ишни бошдан бошлайсан. Вақтинг кетди — нақдинг кетди, деган уғитни биласан, ушанинг урнинг қолмаққ ниятида бир парварини икки бор қиласан. Меҳринга меҳр қўшсан, ерга қулоқ солсан, сурайсан ундан: қани айт, Момо ер не керак сенга, нимага муҳтожлигинг бор, деб. Айтганини зумда бажо айлайсан, уғитини берасан, сувидан хабардор бўлиб турасан. Ернинг ҳам жони бор деганлари ҳаққи рост. У Сенинг меҳринг, юрак тафтингни ҳар дақиқа сезиб турибди, шунга яраша жавоб бермоқ ниятида у ҳам бағрикенглик қилади. Кузга бориб қарабсан, Тангри чеккан захматларинг мукофотини ошиғи билан бериб турибди. Бутун чароқлар чиқиб кетади. Яратганга ҳамду санолар айтасан.

Сен, Ҳазрати Бободоҳоним, гўзаллигинг яхши кўрасан. Чунки кўнглинг гўзал, ниятинг гўзал, қалбинг гўзал, ўйлаган ўзинг гўзал. Юртинг дарахларга бурканса, адиллар майсаларга, экинзорларнинг янаша турса, Сахийликда Сенга тенг келадиган топилмас керак. Сенинг меҳнатинг махсулидан ҳамма баҳраманд. Айтди-лар-ку, Тангри сахийдир, сахийларни дўст тутуди.

Қилган ишидан пушаймон бўлмайдиган, яхшилик ила қалби таскин толган, бинобарин, дили ором оладиган иш ҳам Сенинг касбиндир. Савоб умидида ва юрт чиройи ниятида қилган меҳнат барака келтиради. Ана шундай олжаноб ишга бел боғлаган мард ва танги инсон ҳам узинсан.

Не машаққат эвазига етиштирган ҳосилини худо берган эҳсон деб қабул қилгай. Шу боис унинг бағри кенг, саховатининг чеки йўқ. Полизи олдиндан утган хар кимсага неъмат тутуди, эвазига ҳеч нарса таъма қилмайди.

(Давоми 2-бетда)

УСТУВОР ОТАДАЙ УЛУГ

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг сессияда маърузасини аввало «Ойнаи жаҳон» орқали эшитиб, газета саҳифаларидан қайта-қайта ўқиб чиқиб, Ўзбекистон — чилданам келажати буюк давлат эканлигига, уни буюк қилиш йўлидаги бурчимиз ва вазибаларимиз тагин-да улугворлигига яна бир қара ишонч ҳосил қилдим.

Президентимиз туман раҳбарларига қарата мактабларда, яъни ўқитувчи ва ўқувчилар ҳузурда тез-тез бўлиб туришлари зарурлигини айтганларида катта маъно бор. Ўқитувчи ким, у ёшларга нимадан ва қандай сабоқ ва тарбия бермоқда, муаллим-тарбиячи ва шахс сифатида уз касбига садоқати қандай, у ўқитувчи деган улуг номга муносиби?! —

Ўз-ўзидан авнки, давлатимиз раҳбари уртага қўйган бу саволлар ҳаммамизга тегишли, барча-барчамизга масъулият ҳиссини юқлайди. Чунки педагог-ўқитувчининг жамиятдаги ўрни, ҳаётдаги қомиллиги ва бошқа инсоний фазилатлари ёшларни юксак инсоний туйғулар, яъни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда устувор аҳамият касб этади. Масаланинг бирламчи моҳияти, бизнингча, ана шунда.

Муаллимлик — ҳар қандай шароитда ва ҳар қандай замонда ҳам масъулиятли, шунинг баробарида обрўли касб. Буни барча ҳам тула-тукис англаб етавермайди. Ахир, «Мен — муаллимман...» деб юрганлар ичида ҳам фикри саёз, дунёқароши тор ёхуд кенг қамровсиз, энг ёмони — бозор иқтисодиётининг мураккаб утиш давридан зорланиб, уларини савдо-сотуққа — тижоратга уриб кетган кимсалар йўқми?

Мен раҳбар бўлган Иштихон туманидаги А. Навоий номи 4-урт мактабда, фахр билан айтиш жоизки, фидоий муаллимлар фаолият кўрсатапти. Педагоглар жамоасининг узун 100 нафарга яқин. Узлар 600 нафардан зиёд улуг-қизларимизга таълим тарбия берапти. Қарийб беш йилдирки, дарслар лотин алифбосида ўқитилмоқда. Мактабимизда инглиз тилини ўқитишга кўп йиллардан бери алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Энг асосий фанлар иқтисодшарилган синфларда ёшларга чуқурлаштирилган ҳолда ўргатилмоқда. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, жорий йилда ва 2000 йилда республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳари замонвий талабларга жавоб берадиган янги турдаги ўқув юртлири билан таъминланиши, яъни 180 та янги касб-хўнар коллежи ва 15 та академик лицейни қуриб фойдаланишга топшириш лозимлиги кўзда тутилган. Бу эса, шубҳасизки, мустақил юртимизнинг буюк келажиги — қомил инсонни қамол топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фарҳод НОРКУЛОВ, «Халқ маорифи аълоисини», II-даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиб.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ТАРКИБИДА ЯНГИОБОД МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ТУМАНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Сирдарё вилоятининг Жиззах вилоятига туташ Ховос ва Бобув туманларининг жанурий ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожини жадаллаштириш, раҳбарлик самарадорлигини ошириш, аҳолига транспорт ва бошқа хизматлар кўрсатишни яхшилаш, фуқароларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли тақлифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жиззах вилояти таркибида Сирдарё вилояти Ховос ва Бобув туманлари ҳудудларининг бир қисми ҳисобига умумий майдони 717,4 квадрат километрга тенг, ҳокимият ижроия органларининг алоҳида узига ҳос структурасига эга бўлган Янгиобод маъмурий-ҳудудий тумани тузилсин.
2. Янгиобод маъмурий-ҳудудий тумани таркибига Ховос туманидаги Баландчақир, Пастичақир, Пучугой, Паркент, Янгиобод, Сайдон, Мелиобод, Намингон, Чаканд, Мўғол, Варқин, Марказ, Болғали, Пастисармич, Юқорисармич, Жулангар, Исқандар, Тўқбой, Соҳибқор, Совет,

Баёт, Хужамушкент, Феруз, Эрганақли, Уовли, Қушқанд, Чанговул, Ҳавотог, Учтургон аҳоли пунктлари ҳамда Бобув туманидаги қуриқ аҳоли пункти ўтказилсин.

3. Янгиобод маъмурий-ҳудудий туманининг маркази деб Баландчақир аҳоли пункти белгилансин.
4. Жиззах, Сирдарё вилоятлари ҳамда Янгиобод маъмурий-ҳудудий туманининг чегаралари график чизмага мувофиқ тасдиқлансин.
5. Жиззах вилояти доирасига киритилаётган ҳудудда жойлашган сайлов округлари буйича сайланган Сирдарё вилояти кенгашининг депутатлари — халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашининг

нг депутатлари эканлиги, янги тузилган Янгиобод маъмурий-ҳудудий тумани ҳудудиде жойлашган сайлов округлари буйича сайланган Ховос тумани кенгашининг депутатлари эса — халқ депутатлари Янгиобод тумани кенгашининг депутатлари эканлиги белгилаб қўйилсин.

6. Халқ депутатлари Янгиобод туманининг кенгаши Янгиобод маъмурий-ҳудудий тумани Давлат ҳокимиятининг ваколатли вакиллик органи деб ҳисоблансин.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Янгиобод маъмурий-ҳудудий тумани Давлат ҳокимият ижроия органларини тузиш ва улар фаолият кўрсатишга доир масалаларни қуриб чиқсин.

Э. ХАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Тошкент шаҳри,
1999 йил 15 апрель.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛМИЗ

Президентимиз Ислон Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат халқ томонидан тула маъқуллаб, қаттиқ қўллаб-қувватланмоқда. Қора ниятли кучларнинг тажовузлари, кирдикорлари пучга чиқди. Адолат галаба қилаёттир.

Йўлбошчимиз биз кечиримли халқимиз, ўз йўлидан адашган, ақидадарастларнинг уйдирмаларига учган, уларнинг тузоғига илгинган ёшлар айбонларига иқдор бўлсалар, гуноҳлари афш этилишини билдирдилар. Президентнинг меҳр-шафқати сўқир кўзлардан ёш келтирди. Ҳали жиноят кўчасига кириб улгурмаган, аммо тўғри йўлдан адашган бир гуруҳ ёшлар ихтиёрий равишда Олтиариқ тумани ички ишлар бошқармасига бош эгиб келиб, кечирим сўрамоқлар кимлар? —

Огоҳлик

Йўлбошчимиз Ислон Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат халқ томонидан тула маъқуллаб, қаттиқ қўллаб-қувватланмоқда. Қора ниятли кучларнинг тажовузлари, кирдикорлари пучга чиқди. Адолат галаба қилаёттир.

Йўлбошчимиз биз кечиримли халқимиз, ўз йўлидан адашган, ақидадарастларнинг уйдирмаларига учган, уларнинг тузоғига илгинган ёшлар айбонларига иқдор бўлсалар, гуноҳлари афш этилишини билдирдилар. Президентнинг меҳр-шафқати сўқир кўзлардан ёш келтирди. Ҳали жиноят кўчасига кириб улгурмаган, аммо тўғри йўлдан адашган бир гуруҳ ёшлар ихтиёрий равишда Олтиариқ тумани ички ишлар бошқармасига бош эгиб келиб, кечирим сўрамоқлар кимлар? —

Эндиликда кўшмоқ фуқаролар йиғинига қарашли Ҳамза маҳалласидан 1976 йилда туғилган Неъмат Эрматов, 1951 йилда туғилган, олти нафар фарзанднинг отаси Азимжон Орифжонов, 1977 йилда туғилган, ҳали уйланмаган ёш чилангар Мухимжон Топилбодиев билиб-билмасдан «Хизбут тақрир» оқимига қўшилиб қолганликлари учун пушаймон ёмоқдалар.

Улар ўз қилмишларидан қўриқиб, ҳеч кимга чурқ этмасдан пинҳона юраверишган. Биз қариялар ҳам уларнинг ҳаракатларига бефарқ ва лоқайд қараганимиз. Давлатимиз раҳбарининг сўзларидан улар тавбасига таянишди. Ўз-ўзидан қўлидек сув бетига чиқиб, фой бўлдлар. Кишлоқнинг Т. Исқоқов кўчасидаги Обиджон Саидов қаби адашганлар борлиги халққа энди аён бўлди. Маҳаллалар фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари адашган ёшларни зарарли оқимлардан асраш, уларнинг тарбиясига эътиборни қўчайтиришга жиддий қарамоқдалар. Юртимизнинг тинч-осойишталиги, турмушимизнинг фазил-баракали бўлиши ўзимизга боғлиқ. Шу бонсдан ҳаммамиз ҳушёр, зийрак бўлайлик.

Абдуллажон НУРИДИНОВ,
Олтиариқ туманидаги Повулгон кишлоқ фуқаролар йиғини оқсоқоли.

МУЛҚДОР МУЛКИГА ХИЁНАТ ҚИЛМАЙДИ

Мухтарам Азимжон ака! Қарийб олти ойдики бир гапингиз ёдимдан ҳеч кутарилмайдим: «Ота сураб нетарсан, эринг уз булган сунг, йўлни сураб кетарсан, от устига минган сунг». Таассуфки, бундан 5-6 йил бурун деҳқончиликда ҳам, чорвачиликда ҳам от устида туриб, манзил суровчилар қўлайиб кетди. Алаоқибат, ер қийналди, эл қийналди. Аммо бу «чавандозлар-ни заррача ҳам ташвишга солгани йўқ. Улар эндиликда бошқа бир соҳаларда от суриб юришибди. Ўзингиз ҳам суҳбатингизда таъкидлаганингиздек, бир пайтлари педагог ҳам, инженер ҳам қура-қура қўй олиб фермер бўлди. Умри савдогарлик билан утган оқбилалоқим ҳам «гектарлаб ер олиб, пахтакорликни орзу қилиб қолди. Назаримда, улар деҳқоннинг баҳору ёзи ҳақида эмас, кунзи — улкан хирмонларни муай даромад ҳақида уйлайдилар. Ҳаммаси шармандалик билан ниҳояланди. Ориқ отга қамчи оғир, тешик томга томчи оғир, дам-

лар бошланди. Хайриятки, бу жараён узоқ давом этмади. Чорва чўпонга, ер деҳқонга топширилди, биз журналистлар тили билан айтганда, мулк эгасига қайтариб берилди. Ва ниҳоят, сизга ушанган мулкдорлар қўлайди. Бугунги кунда ҳужалиқнинг, туманининг, вилоятнинг ва қолаверса, бутун мамлакатнинг муваффақиятида сиз қаби фидокорларнинг хиссаси беқисдир.

Одамлар уз томорқасини

лавий пудратчиларга тақсимлаб берилган экан. Худди телмуҳбирлардек «Бу муваффақиятларингизнинг сирини нимада?» деб эсан-гизни қотиришдан тийилсам-да, сиз узингиз баъзи-баъзида «экрания сизгайдиган» гапларни айта кетдингиз: — Деҳқончиликини чидаганга қиқарган уғлим, — дегандингиз ўшанда. — Бировларга ухшаб менинг бошқа ишларим йўқ. Шаҳарга қочмайман, бозорга чопмайман.

Агар пахта ёки галлама ҳорғинлик сезсам, томорқамда ҳам ишламайман. Тую-тўпчиқ ҳам уз йўли билан. Деҳқончиликнинг сир-синоати мул. Уни урганишга баъзан умр калталиқ қилади. Афсуски, қўпчилик деҳқончиликни ер ҳайдаш, урбг сеппиш ва сурғиришдан иборат, деб тушунадди ва... адашади. Чунки ҳар бир агротехник тадбирнинг уз меъёр ва мақомлари мавжуд.

Биргина экинни сўғоришни олиб қурайлик. Илгари бизнинг ерларимиз ҳам узунасига 200-300 метр масофада сўғориларди. Ер менинг тасарруфимга ўтган, сал бошқача йўл тутдиқ. Эгитларни қалта олдидиқ. Энди сув қартининг бу бошидан у бошига югуриб кетмайди, аниқроғи, сўғоридингми — сўғордим эмас, балки 50-60 метрлик масофада пахта мириқиб сувга қонади, томиларига доғур қўлаб сув ичади, қолаверса, оби-ҳаёт ҳам тежалди, сувнинг қатраси ҳам нобуд бўлмайди.

Хуллас, уғлим гапираман десанг гап қўп, аммо иш, меҳнат унданда ортиқ. Ҳукуматимиз уз ерини ишониб сенга топширибдими, ишончини оқлаш керак, еринг умри бекор ўтмасин. Деҳқончилик илмининг миридан сиригача урганганга нима етсин. Шу илм, шу меҳнат тўғрисида биз ҳам кам бўлаётганимиз йўқ. Утган йили 100 миң сўмга яқин иш ҳақи олдидиқ.

(Давоми 2-бетда)

ЧЎЛДА ҚАД РОСТАЁТТАН ҚОШОНАЛАР

Бир пайтлари дашту биёбонлардан иборат Касби, Усмон Юсупов, Баҳористон туманларига қарашли бўлган хўжалиқлар, қишлоқлар, маҳалла ва гузарлар қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарган. Айниқ, Узбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, маданий-маънавий бинолар, бир-биридан чиройли уй-жойлар, ошқоналар, дам олиш масканлари, маданият саройлари қад кўтарди. Замонавий меъморчилик усулида бунёд этилган кўп қаватли мактаблар, болалар боғчаларида меҳнаткашларнинг болалари ўқиб, ўсиб, улғаймоқдалар. Мамлакатимиз Президентини И. Каримовнинг ташаббуси билан мустақиллик йилларида қурилган ва ободонлаштирилган учун давлат томонидан катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда. Ундан умумий фойдаланиб, келаятган қурувчилар, уй-жой, маъмурий бинолар қуришга жиддий аҳамият бермоқдалар.

19-Қашқадар деҳқон қурилиш очик хиссадорлик жамиятига қарашли

8-деҳқончилик қурилиш бошқармасининг қурувчилари бу борада алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Қурувчилар ўтган йилнинг ўзида Касби, Усмон Юсупов туманларида 116 миллион сўмлик қурилиш монтаж ишларини утқуладилар. Бултур 1997 йилга нисбатан 22 фоиз кўп қурилиш-монтаж ишлари бажарилиди. Бу муваффақиятга асосан техника ва ишчи кучларидан самарали фойдаланиш, иш вақти ва қурилиш материалларини тежаш ҳисобига эришилган. Мана, 18 йилдирки, Шавкат Носиров ушбу қурилиш бошқармасига мохирлик билан раҳбарлик қилаётти. Унинг ташкилотчилиги, раҳбарга ҳос фазилати, ишбилармон ва тадбиркорлиги нафақат жамоада, туманда, қолаверса, вилоятда ҳам маълум.

Туман марказини айлансангиз бунёдкорлар қурган улкан иморатларга кўзингиз тўшади. Маъмурий бинолар, уй-жойлар, мактаб ва болалар боғчаларини

(Давоми 2-бетда)

ИСТИҚЛОЛ ИНШОТЛАРИ

ТОЗА ЁҒ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШГА НИМА ЕТСИН

Ўзбекистон — Британия қўшма корхонасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда

Бир фермер Жиззахдан Гулистонга бориб, чорвасига ажратилган ерни олиб келиши учун қанча маблаг сарфлашини биласизми? Йигирма минг сўмдан ортқ харажат кетади. Савдо ташкилоти ажратилган ўсимлик ёғини олиб кетиши учун бундан ҳам кўпроқ сарф қилади. Устига-устак ёғ-мой корхоналари дарвозаларида автомашиналар тракторларнинг турна қатор навбатларини кўз ўнгингизга келтиринг-а.

Ишингиз юришса, бир кунда маҳсулот оласиз, юришмасачи? Икки оворачилик, харажати ҳам бунга қўшимча бўлади. Хуллас, уловидан тушови қимматга тушарди. Айниқса, виллоят ҳудудидан пахта тозалаш корхоналарининг сарсонгарчилигини айтмайсизми? Чигит ортилган автомашина вагонлар Гулистонга, Тошкентга, Қўқонга, ҳатто Андижонга жўнатиларди. Оворагарчиликнинг чеки йўқ эди...

ундамаслигимиз керак. Қўшма корхонада ҳам аёлларга эъзоз-эҳтиром билан муносабатда бўлинапти. Байрамлар муносабати билан барча аёллар мукофот пули бериш ичиги йўлга қўйилган.

Мустақиллик шобадаси тўғрисида Жиззахга чет эл сармояси кириб келди. Минг тўққиз юз тўқсон бешинчи йили чигитни қайта ишлаб, ёғ чиқарувчи Жиззах—Британия қўшма корхонаси ишга тушди. Хўжалиқларда етиштирилган пахтадан ажратиладиган чигитни виллоятда қайта ишлаш имкони тугилди. Корхона ишга тушган дастлабки йили икки минг тонна чигит қайта ишланган бўлса, утган йили бу курсаткич саккиз бараварга ортди. Сифатли ва экологик жиҳатдан тоза, арзон ёғ ишлаб чиқарилиб, аҳолига етказиб берилаётди.

қўшма корхона уртасида уч томонлама шартнома имзоланмоқда. Бу эса ҳар томон мажбуриятлари тулик бажаришига асос бўлади. Фермер уз вақтида ет олиши учун имкон қўлаймоқда.

Қўшма корхонада йил сайин ёғ олиш технологияси тақомиллаштирилмоқда. Бундан икки йил аввал бир тонна чигитдан 90 килограмм ёғ олинган бўлса, бугунга келиб бу курсаткич 140 килограммга етди. Ишингиз кузини тоған, бойликнинг узини топар деб шунга айтадиларди! Кейинги йилларда фермерлар қўшма корхона билан кўпроқ ҳамкорлик қилишга ошқиниб қолди. Чунки кунжа таркибиде ёғлилик даражаси етти фоизни ташкил этади. Қўшма корхона билан ҳамкорлик қилган бирор миқдор ҳам кунгли ранжимаслиги керак деган анъанага ҳамма бирдай амал қилмоқда.

— Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас, — дейди қўшма корхона бош директори Раҳматилла ака Бустанов. — Чунки айрим ойларида корхонани тулик қувват билан ишлашга олмаямиз. Хом ашё тақчиллиги сезилмоқда. Биринчи қоракда пахта тозаловчилардан режа бўйича олти минг тонна чигит олишимиз лозим эди. Амалда 3862 тонна олдик. Режага асосланиб ҳисоб-китоб қилиниб, хўжалиқларга, бурдоқчиларга корхоналарига, фермерларга кунжа ва шелуха фондлари ажратилган. Тулик миқдорда чигит бўлмаган ҳам бўлмастми табиий.

боради, иқтисодий жиҳатдан бақувватлашади. Жамоа раҳбарининг тадбиркорлиги кўл келди. Утган йили ун беш миллион сўм фойда олинди. Корхона ҳисобчисининг берган маълумотига қура жорий йилнинг биринчи қоригада қариб олти ярим миллион сўм фойда олинди. Ишчиларнинг март ойида уртча маошлари олти ярим минг сўмга етди. Ишчи манфаати

Иқтисод қилган иқбол топади. Бугунга келиб бир килограмм ёғ ишлаб чиқаришга сарфланган маблаг 54 сўм урнига 46 сўмга турди келмоқда. Электр энергияси ва газ сарфи камайди. Транспор харажатлари ҳам меъёрлаштирилди. Ижарга олиб, автотранспорт воситаларидан фойдаланишга чек қўйилди. Чунки ушбу йиллардаги автотранспортда чигит ташиб келириш уч баравар арзонга тушмоқда.

Одамларнинг орзу умидларини рўёбга чиқаришда, уларнинг турмуш тарзи янада сермазмун бўлишида раҳбарнинг урни беқийс. Агар раҳбар кўпчилигини деса, бу тун ақлу-идрокни ишга солса, корхона юксалиш сари

Вазиятдан афзалроқ тартиби ўзгартирилди. Аввалдан фақат фермер билан икки томонлама шартнома тузиларди. Энди фермер-пахта тозалаш заводи —

ЎЗ ИШИДАН МАМНУН ФЕРМЕР

Жарқўрғон туманидаги «Украина» ширкатлар бирлашмаси ҳудудидagi Бехзод фермер хўжалиги етакчиси Убайдулла Ҳасанов бултур гектаридан 45 центнердан сара дон янчиб олган эди. Унинг бу йилги нияти 50 центнер.

— Галла ризқ-рўзимиз, иқтисодимиз таянчи. Ерга меҳрини тўққан ҳақиқий деҳқон ютказмайди, — дейди тадбиркор фермер.

Бу фермер хўжалиги аъзолари ҳозирги пайтда тўрт минг туп Калифония терагини ҳам парваришлашмоқда. Бу мусоффо ҳаво бериши билан бирга қўшимча даромад ҳам келтиради. СУРАТДА: фермер У.Ҳасанов.

И.ХҲАЕВ (ЎЗА) олган сурат.



БИР ЎЛКАКИ...

...Каттақўрғон тумани ҳудудини орта қолдириб, қиравирликлар оғушида паства энгарканмиз, шундоқкина телалиқдаги «Нуробод» туманига хуш келиб-сиз!» деган ёзувга кўзимиз тушди. Нуробод — азал-азалдан чорвадорлар ва галларкорлар маскан. Бу кенгликларда йилнинг тўрт фаслида ҳам кўт-барака дастурхон ёзда. Киши анча қаттиқ, баҳори серфайз ва бетакор. Ези ўт-овол пурқайди. Кузи эса бошқа жойларга караганда ўн чандон, балки юз чандон тароватли, ҳар қандам кўт-барака буй қўрсатиб туради. Ҳатто даштидаги янтоғидан тортиб, қуврайигача... олтин бошқоқлардан тортиб, лалми тарвузигача ёхуд ширбузи кўзию ҳар бир қорамолигача Нурободнинг ўзига хос сувратига сийратига ишора аялайди. Одамлари эрса... Дарвоқе, одамлари меҳнаткаш, жумард. Нуробод баҳори — фаслар келинчаги бу ерга алоҳида шуқуқ бағишлайди.

«Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг дондор чўпони, ҳозирда меҳнат фахрийси Файзулла ота Бердиев хонадониде бир пиёла чой устида кечган суҳбатимиз, дафъатан, йилнинг келишига, чорвадорларнинг бугунги кайфиятига бориб тақалди. Иккам саксон ёшли Файзулла ота узининг пирубадавлат ҳаётидан, оиласидан ҳудди қосадаги қаймоқдай куюқ қилиб гурун бераркан, «бугун бизнинг Жарқудуқда узига хос тантанамиз» деб қолди. Бизни қўярда-қўймай қишлоқдошларининг ана шу тантанасига тақлиф этди. Отанинг сазаси улмасин деб, унинг хоҳиш-иродасига қарши бормадик. Зеро, у кишининг ҳар бир гапи — амри вожиб. Оиласида ҳам, хўжалиқда ҳам, на фақат Жарқудуқ қишлоғида, балки Нуробод, Каттақўрғон, Пахтачи, Нарпай ва Хатирчи томонларда Файзулла отанин сузи ҳеч қачон икки бўлмаган. У киши ана шундай хурматли ва эътиборли оқсоқол. Катта бир музофотда хурматли ҳамма-ҳамма жойига қўяди. Олтиш уч ёшли умр йўлдоши Ойтош шилдан тортиб, жажжи невараси Баҳоройигача — ҳамма-хаммаси отага парвона. Бош чўпон угли Нормуиманжон қариб саккиз йилдики, падабирўзрукворидан оқ фотиҳа олиб, укаларини — Нормамат, Алишер ва Ақтамжонлар билан сурув-сурув қўй-қўзиларни яйратиб қўйиб келаяпти.

Отанин туртинчи фарзанди Зикрилла ҳам, агар таъбир жоиз бўлса, от изини босган «той»лардан. Тунгич акаси — Очилжоннинг фарзанди Шербекжон, қишлоқдоши Абдурашид Холиёров ва бошқалар ҳам чўпонлар сулоласининг анъанасини давом эттиряпти. Хуллас, бу оила ҳақида қанча мароқ билан ҳикоя қилса — шунча оз.

Хозир эса юқорида тилга олинган тантана шуқуқини иншо айлаш мавриди келди...

...Жарқудуқ қишлоғининг қоқ маркази ажиб бир тантана оғушида. Йул ёқасидаги кукаламдан янаша қанча катта майдон одамлар билан гажум. Бордию одамдан игна ташласангиз ҳам «йил!» этиб ерга тушмайди. Дилрабо куй-қушқилар янграб турибди. Халқ гуруссо-гуррос сайилга ошқайди. Уларнинг қайфияти-лотерейасига «Нексия» ютуғи чиққанда аъло, чехралари Жарқудуқ осмонидеги баҳор қувишди сертабасум, нур-зиёли. Хўжалик раҳбари Тошмунис Раҳимов, Нуробод туман халқ демократик партияси кенгашининг иккинчи котиби Шермамет Бекназаров, маҳалла фуқаролар йигини раиси Шербута Дустмуродов, маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Махфират Пардаева ва

бошқалар бу тадбирга бош-қош. Жамол Эшдавлатов, Саттор Нурунов ва бошқа санъаткорлар эл хизматиде. Демак, Навруз тантаналарининг тафти ҳали сунгани йўқ.

Биз меҳнат аҳли даврасига киришимиз билан нафосат ва гузалликка, кут-барака ва файзибликка, меҳр-оқибат ва узаро хурмат-эҳтиромга юзма-юз келдик. — Хўжалигимизнинг ҳар бир хонадонини, иншооллох, кут-баракага эш, — дейди «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги раҳбари Тошмунис Раҳимов. — Халқимиз чорвадор ва галларкор. Бу йилги кузлатиш мавсумини кун-қилдагидек қўнладик. Та-сарруфимиздаги 32 та отар ва 5 та бўлимда 35 минг куй боқилмоқда. Шунинг 15 минг бошини она қуйлар ташкил этади. Сарҳисобимизга қура, ҳар юз бош она қуйдан 105 тантан соғлом қўзи олдик. Уларнинг 75 фоизи устиришга қолдирилди. Бугунги айём қувончлари ютқуларимиз билан янада гузал.

Маҳалла фуқаролар йигини раиси Шербута Дустмуродовнинг айтишича, хўжалик ҳудуди кенг, қишлоқ ва маҳаллалари оқоб. Айни айём тантаналарида мавжуд 6 та кичик маҳаллаларнинг ҳаммаси қатнашапти. Рақамлар тили билан айтганда, 930 та хонадон бўлиб, уларда 5200 нафар киши истиқомат қилади. Чунончи, «Лолазор», «Баҳор», «Ёшлик», «Навруз», «Мустақиллик» ва «Дустлик» маҳаллаларининг раис-вакиллари Сабохат Раулов, Уроз Мирзаёрова, Саломат Норқороева, Мунаввар Наимова, Меҳринисо Султонова, Гулчехра Худойбердиевалар уз маҳалла аҳлининг меҳрини қозонган ҳолда хайрли ишларга бош-қош бўлишарди. Биз «Лолазор» маҳалласидан ажиб дастур тайёрлаб келишган икки нафар фарзанднинг онажониси Норой Абдуллаева ва беш нафар угли-қизини оқ юбиб-оқ тараб келатган Уролтош Эшдавлатовлар билан мухтасарини суҳбатлашдик. Уларни бир қарашда ҳудди актёрларга ухшатиш мумкин. Улар бугун 30-йилларнинг келин-қуви сиймосида навоийида қатнашмоқда. Аслиддин Баҳромов билан Мухаббатон Раҳмоновлар эса айни шу чоғда 50-йилларнинг келин-қувилари-дир. Аникроғи, келин... қуви хонадонига отта мингшар ҳолда узатишмоқда. Бетақор ва жозибали манзара!

Бир ёқда қишлоқнинг уз баҳисиси Хусан Бекназаров думбирасини чертиб соҳир овози ва улани билан элани хуш айём билан қўла-қўла қилиб, билки таомлар қуриғи, мошқа томонда миллий хунармандчилик жиҳозлари қузни қунади. Сузаналарда ҳаёт нафаси, баҳорнинг рангин-рангин камалағи. Эски урф-одатлар, қадриятлар шундоқкина элнинг қўз олдида мазиллар оша бугунги кунга бус-бутун етиб келгандек.

Хўжалик қасаба уюшмаси кумитаси раиси Эгамназар Элмуродов ва бош зоотехник Иброҳим Боймуродовлар бизга ажиб бир хушхабони етказишди. Айтиш жоизки, мазкур хўжаликнинг бригада ва бўлимлари ортасида беллашуш ташкил этилган. Илғор бош чўпонлар видео иккилик, рангли ва оқ-қора телевизор эгаси бўлишса, бўлимлар бўйича 1-уринга «Тикко» автомашинаси ҳамда иккинчи ва учинчи уринини олганларга ҳам қимматбош совғалар туҳфа этилади. Қўчқор Бекназаров бошқарувчилик қилаётган 4-бўлимнинг дондор бош чўпони Ҳасан Тоғаев, Қўчқор Боймуродов бошқарувчи бўлган 3-бўлимдан Шокир Турақулловлар, насиб этса, «Нексия» ва «Дамас» автомашиналари соҳиб бўлишарди. Негаки, улар бош чўпонлик қилаётган отарларда қузилик мавсуми муваффақиятли аяқланди. Ҳар юз бош совлиқдан 130—150 тадан ошириб қўзи олинди. Бу пайтда чорвадорлар қузиларнинг 90 фоиздан то юз фоизгача устиришга қолдирилишини таъминлашди.

Бугун Узунқудуқ, Тулақудуқ, Девонасой, Саҳро, Қораведон, Телалик ва Чайдариш айловларида ўт-майсаларнинг ям-яшил гилами! Бу гилам-поёндозга оҳиста қадим қўйган ҳар бир киши баҳор экинчиларига юз тутуди.



● ТОКИО. Япония ҳукумати Покистон ва Ҳиндистонда янги ракета синовлари ўтказишни муносабат билан мазкур мамлакатларга нисбатан бирор қўшма иқтисодий жазо жорий қилишни режалаштирган йўқ. Лекин Япония ва синовларни кескин қоралайди ҳамда Покистон ва Ҳиндистонга нисбатан утган йили эълон қилган жазо чораларини сақлаб қолади, дейилади Япония Ташқи ишлар вазирлиги баёнотида.

● МАЪЛУМКИ, утган йилнинг май ойида Покистон ва Ҳиндистонда ядро қуроли синовини ўтказилгани сабабли Япония бу давлатларга кредит беришни ва бошқа турдаги молиявий ёрдам қўрсатишни тўхтатган эди.

● БОГОТА. Колумбиялик қузулгончилар гаровга олинганларнинг яна уч нафарини озод қилди. Улар орасида ҳимладор аёл ва юрак хасталиғига чалинган 60 ёшли шифокор бор.

● Қўзғолончилар бир неча кун илгари «Авианка» ҳаво йўлларига тегишли бўлган Букарменга-Богота йўналиши бўйича қатнаётган «Фоккер-52F» самолёти ва ундаги йўловчиларни гаровга олган эди. Жиноятчилар экипажнинг самолёт йўналишини ўзгартириш ва Боливар департаментидеги яширин майдонга қўнишга мажбур қилган. Сунгра Йўловчи ва экипаж аъзоларининг барчаси миллий озолик армияси жангчилари томонидан гаровга олинган. Ҳозир жиноятчилар қўлида яна 35 киши бор.

● ЖАКАРТА. БМТ Шарқий тимордаги нотинчликлардан жиддий ташвиш билдирди. Агар тезда унинг олди олинмаса бу улуда ҳам Косово мақораси каби воқеалар содир бўлиши мумкин, дейилади мазкур халқаро ташкилот тарқатган баёнотида.

● Сунги маълумотларга караганда, Индонезия хавфсизлик қўчлари билан қўзғолончилар уртасида Шарқий Тиморда юз берган тўқнашувда яна икки киши ҳалок бўлган. Улар Шарқий Тимор мустақиллиғи учун курашаётган гурӯҳ аъзолари эди.

● БМТ ушбу улгага халқаро тинчликни сақлаш қўчларини киритишга тайёригини маълум қилган эди, лекин Индонезия ҳукумати халқаро қўчларнинг Шарқий Тиморга киритилишига эътироз билдирган. Индонезия ташқи ишлар вазир Али Атласнинг айтишича, бунинг сабаби шуки, ушбу мижорони барқарорлаштириш бўйича БМТ раҳнамоллиғида ўтказилган Индонезия-Португалия музокаралари ҳали аяқлангани йўқ. Унинг иккинчи босқичини келаси ҳафта Нью-Йоркда ўтказиш режалаштирилган, деди А. Атлас.

СУҒУРТНИНГ КАФОЛАТИ ҲИМОЯСИ

1057 таси билан эса ихтиёрий суғурта шартномалари тузилди. Суғурта жавобгарлиги 9,9 миллиард сўмни ташкил этади. Табиий офат натижасида қутулган ҳоли бўлмаганлиги сабабли 69 хўжаликка 18.567,2 минг сўм суғурта қопламаси бериш аниқланди. Хусусан, пахта ҳосилини кам олган хўжалиқларга 12.557,5 минг сўм тўланди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига қўра эндиликда етиштирилатган мева, сабзавот, узум, гўшт, сўт ишлаб чиқарувчи ларнинг тайёрлов ташкилотлари ва қайта ишлаш корхоналари билан ҳисоб-китобни вақтида амалга оширилиши ҳам суғурталанарди.

Шунингдек, ўтган йили фуқаролардан 65,5 минг киши табиий офатлардан зарарланганлиги тўғрисида суғурта идораларига мурожаат қилди. Уларга 129,7 миллион сўм суғурта қопламаси тўланди. Бу ишга эътиборсизлик билан қараётган фуқаролар ҳам анчагина. Мисол учун Нукус, Булунгур, Иштихон, Қўшработ, Пастдаргом, Ургут, Тойлоқ, Навоий, Томди, Нурота ва Тошкент виллоятининг саккизта туманида бирорта ҳам киши ўз ҳаётини суғурта қилдирмаган.

Яқинда «Узагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компаниясининг ўтган йил якуналарига бағишлаб ўтқазилган йилги ҳисоботида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб ва жорий йил вазифалари белгилаб олинди.

Х.КАРИМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

ЎЗБЕК ИПАГИ КЎПАЯДИ

Пиллачилик республикамиз қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам бу мўъжизакор соҳага алоҳида эътибор беришмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика пиллачилик соҳасини бошқаришни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада тўб бурилиш ясади. Мазкур ҳужжатга асосан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва «Ўзбекгилсанот» давлат уюшмаси тарихидаги пиллачилик ва ипакчилик тармоқлари бирлаштирилиб, «Ўзбек ипаги» уюшмаси ташкил этилди.

Зиммамизда ўзбек ипагининг шухратини тиклаш, сифатли «Кумуш тола» етиштириб, ундан тайёрланадиган маҳсулотлар турини қўлайитириш, жаҳон бозорига чиқишдек масъулиятли вазифа турибди, — дейди уюшма бошқаруви раисининг ўринбосари Абдуваҳаб Эргашев. — Тан олиш керак, бозор муносабатлари кенг қулабда жорий этилмаганлиги тўғрисида кейинги йилларда тармоқ фаолияти ҳўйла сусайиб қолган эди. Ширин нима қилдик, кейинги йилларда пилла етиштириш миқдори 33 минг тоннадан 20,8 минг тоннага тушиб қолди. Натижада ҳам ипак ва ипак маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам кескин камайди. Айни пайтда бу ҳолни бартараф этиш тадбирлари қурилмоқда. Хусусан, утган йили пилла етиштириш ва газлама ишлаб чиқариш бўйича нисбатан оз бўлсада, ижобий натижаларга эришилди.

Республика ҳукуматининг соҳага бераётган амалий ёрдами тўғрисида истиқболдаги режалар янада ойдинлашиб бормоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакики, жорий йилда пиллачиликка давлат бюджетидан 1 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилди. Фақат белгиланган кредитларни банк муассасалари тезликда ажратишлари лозим. Ақс ҳолда ипак қуртини тарқатиш борасида қийинчиликларга дуч келишини мумкин. Шу боис виллоятлардаги тижорат банкларида ҳам яна шунча миқдорда маблаг олиниши мулжалланмоқда. Бу эса пиллакорларимизни мақсадли аванс маблағлари, 50 фоиз миққор билан олинган имконияти беради. Биз пиллакорларимизни импак қурти боқис мавсумида зарур бўладиган жиҳозлар билан тула таъминлаш имкониятига ҳам эга бўламиз.

Бу йил республикамизда утган мавсумдагидан анча кўп — 420 минг қўти ипак қурти парваришланади. Япония, Жанубий Корея ва Хитой давлатлари компания ва ташкилотлари билан алоқалар урнатилиб, элита ва супер элита навларини Ўзбекистонда тайёрлашга келишиб олинди. Шу қуларда мазкур давлатлардан 160 минг қўти уруғ келтирилади бошланди. Бу эса пилламиз сифатининг янада яхшиланишига, ҳам ашё ва маҳсулот экспортини ошириш, жаҳон бозориде мустаҳкам урин эгаллаш имконини бериши шубҳасиз. Айни пайтда республика хўжалиқлари билан мавсумда 22 минг 500 тонна «кумуш тола» етиштиришга ҳаракат қилинаётди. Хозир шартнома тузиш давом этмоқда. Янги ҳисоб қўрқ пиллалари июль ойида тайёр бўлади. 300 тонна пилла эса хорижга экспорт қилинади.

Пиллакорлар моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида бу йил ҳар бир килограмм пилла учун уртча 180 сўмдан ҳам тўланади. Шунингдек, «Энг яхши пиллакор», «Энг яхши пилла етиштирувчи туман» каби танловлар ҳам ўтказилиши назарда тутилмоқда.

Яна бир янгилик. Утган йили республикамизда илк бор иккинчи ва учинчи марта пилла етиштириш тажрибаси қўлланди. Жиззах, Сирдарё, Тошкент виллоятларида ҳосилдорлик мулжалдагидан бироз кам бўлсада қўтилган натижаларга эришилди. Энг муҳими, Ўзбекистон шартотида ипак қуртидан 2-3 марта ҳосил олиш мумкинлиги илмий ва амалий жиҳатдан ўз исботини топди. Фақат бунинг учун айрим зарур тадбирларни қуриш, хусусан, ипак қуртининг иккинчи, учинчи ёшлариде керак бўладиган эртанги туг баргини жамғариб қўйиш лозим бўлади. Чунки, мутахассислар фикрича бу даврларда туг барглари нисбатан қуруқлашиб, ипак қурти ҳаёти учун зарур бўлган озиқ моддалар етишмай қолар экан.

Пиллачиликнинг истиқболи ҳақида гап кетганда тўт-зорларни қўлайитириш кун тартибидеги муҳим масала эканлигини таъкидлаш керак. Бугунги кунда тўтзорлар ниҳоятда камайиб кетган. Боз устига раҳбарлар ва туман ҳокимликлари бундай иллатнинг олдини олишда ердам берса нур устига аъло нур бўлур эди. Уюшмамиз ипак қуртининг озук базасини мустаҳкамлаш учун Япония, Жанубий Корея, Хитой давлатлари билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Шу қуна қадар 8,5 миллион туп қўчат ўтқазилди. Ҳали жойларда экиш ишлари давом этмоқда. Дарвоқе, бу йил қузда Япониядан 1 миллион туп тўт қўчат келтириш мулжалланмоқда. Янги тўтзорлар 4-5 йилдан кейин барг беришини ҳисобга олиб, шу муқдат мубайнида бу соҳа билан шуғулланган деҳқон ер солиғидан озод этилгани айтиш мумкин бўлади.

Олим НУРБЕКОВ, ЎЗА мухбири.

